

THE IDEA OF PATRIOTISM IN THE "TIMUR TRAPS" OF SAHIBQIRAN AMIR TEMUR

Do'smurod Khudaykulov,

National University of Uzbekistan

Researcher

E-mail: manaviyat2015@mail.ru

ANNOTATION

In the thinking of our people, popular pandicas that explain the essence of morality and promote morality are just artistic and didactic works that are common within the people.

Халқимиз тафаккурида ахлоқнинг моҳиятини тушунтирувчи ва ахлоқийликни тарғиб этувчи машҳур пандномалар – халқ ичида кенг тарқалган бадий – дидактик асарлар талайгина. Улар учун умумий бўлган хусусият, бу – ахлоқий меъёрларни, тамойилларни, ахлоқий маданият омилларини кўпчиликка тушунарли, ранг-баранг шаклларда, қизиқарли ҳикоятлар орқали китобхонга етказишдан иборат. Шу жиҳатдан пандномалар асрлар мобайнида ахлоқий тарбиянинг ўзига хос шарқона воситаси сифатида хизмат қилиб келди ва ҳозир ҳам хизмат қилмоқда. Соҳибқирон бобомизнинг “Темур тузуклари” асари ана шундай пандномалар сирасига қиради. Айниқса, умуминсоний ахлоқий меъёрлар инсоний фазилатлар сифатида тақдим этилганлиги Амир Темур шахси янада юксак эканлигидан далолат беради.

“Тузуклар”да бир қатор ахлоқий меъёрлар талқин этилади. Гарчанд, унда ахлоқий меъёрлар содда, умумлашмаган, тор қамровли бўлсада, уларни кундалик ҳаётимизда маълум ахлоқшунослик тушунчаларини ва ахлоқий тамойилларнинг амалга ошириш мурватлари ҳам дейиш мумкин, улар ахлоқий талабларнинг энг оддий, лекин кенг тарқалган шакли сифатида рўёбга чиқади. Буни асарда баён этилган “ҳалоллик” мисолида кузатишимиз мумкин.

Ҳалоллик – “Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати”да “шариат ҳукмига мувофиқ еса, ичса, фойдаланса бўладиган; кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан пешона тери тўкиб топилган; хиёнат, фирромлик кабилардан холи, қинғир йўлга бормаيدиган, бировни алдамайдиган; тўғри, соф, покиза бўлишни талаб қиладиган маънавий-ахлоқий меъёрни англаувчи тушунча”-деб таъриф берилади.

Ахлоқий меъёрлар орасида ҳалолликнинг “Тузуклар”даги инъикосига тўхталишимизнинг сабаби шундаки, мустамлакачилик даврида, айниқса,

шўролар ҳукмронлик қилган чоракам бир аср вақт мобайнида ёлғон, алдов, нопоклик, ҳаромхўрлик, мунофиқлик сингари иллатлар халқимизга шу қадар усталлик билан сингдирилдики, ҳозирги пайтда кўпчилик одамлар ҳалоллик ва ростгўйликнинг устидан ҳатто куладиган бўлиб қолганлар.

Амир Темур ахлоқ фалсафасида ростгўйлик меъерий тушунчаси ва унинг фазилатларига доир аҳамиятли жиҳатлар талайгина.

Маълумки, ростгўйлик ҳақиқатнинг ифодавий шаклларида бири ҳисобланади. Ростгўйлик - инсоннинг кейинчалик касб этган табақавийлик, - сўз онгига, руҳига сингдирган, ижтимоий-ҳаётий, даврий-тажрибавий хусусият эмас, балки унинг моҳиятида берилган фазилат. Шунинг учун ҳам “Темур тузуклари”да ростгўйлик давлат бошқарувини, раҳбар фаолиятини ва мамлакат мустақамлигини таъминловчи меъёр сифатида талқин этилади. Жумладан, “Вазир тутиш тузуги”да салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар хусусида “агар булар (*вазирлар*) ўз фаолияти даврида салтанатни йиқитиш қасдида давлатга хиёнат қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришда ишқилмасинлар, балки аввал хабар берувчиларнинг ўзлари кимлиги, даъволарининг рост-ёлғонлигини маҳак тошига уриб текшириб кўрсинлар” дейилади. Дарҳақиқат, кўп ҳолларда ҳасадчилар ва ғийбатчилар, ё кўролмай, ёки тамағирлик билан ёлғон тўқиб ўз ниятларига эришиш учун рост ҳолатни бузиб талқин этади ва ёвуз мақсадларига етишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ростгўйлик осон эмас. У инсондан сабр-тоқат, матонат ва жасоратни талаб қилади, ростгўй инсон кўрқувдан фориғ бўлади, харқандай ҳолатда ҳам виждонига қарши бормайди: кимларнингдир кўзига қараб, яқинларини ёки ҳамкасабаларини хафа қилишдан, ўз моддий манфаатдорлигига зарар етказишдан чўчимайди. Соҳибқироннинг ҳаёт фаолиятини кузатар эканмиз, айнан ростгўйлик унинг маънавий қиёфасини янада беаганлигини кўрамиз. Чунончи, “Вазирларнинг хизмат қилиш тузуги”да яна амр қилдимки, салтанат ишлари, мамлакатни идора этиш, ундаги ўзгаришлар, алмаштиришлар, сипоҳийлар ва амирларнинг тайинланиши, турли кенгаш-тадбирларни хос мажлисда менга арз қилсинлар. Бу мажлисларда махфий ва сирли ишларни пинҳон тутишга қодир бўлган махсус котиб” (муншийи маҳрам) ҳозир бўлиб, ростлик қалами билан махфий-яширин кенгашларни ва гапларни (дафтарга) ёзиб борсин”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, Соҳибқирон ахлоқ фалсафаси негизини ҳалоллик, ростгўйлик, тўғрилиқ каби ахлоқий

сифатлар ётади, бу эса жамиятда униб вояга етадиган ҳар бир фуқаро учун эскирмайдиган ижтимоий қоидалар саналади.

Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг “Куч - адолатдадир” деган ҳикмати неча асрлар давомида халқимиз ҳаётидан кенг ўрин эгаллаб келмоқда. Ушбу ғоянинг асосида халқимизга ҳос ватанпарварлик, мардлик, одамийлик, жасорат каби фазилатлар мужассамдир. Бобокалонимизнинг адолат ҳақидаги бу сўзлари, айни пайтда, ватанни парвариш қилиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни-шавкати юксалтириш, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамиятни қуриш каби саъй-ҳаракатларимиз адолат пойдевори асосида қурилади ва ватанпарварлик фазилати билан белгиланади.

“Тузуқлар”да ватанпарварлик мезонини белгилайдиган жиҳатлар сирасига Соҳибқирон Амир Темурнинг дўстлари, маслакдошлари, унга ҳайрихоҳ бўлган кишиларга муносабатини ҳам киритиш ўринлидир. Бу ҳақдаги тузуқда қуйидагича фикр баён этилади: “Яхшиларига-яхшилик қилдим, ёмонларини эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни қилган бўлса, хизмати ҳаққини адо этдим. Кимки менга душманлик қилса-ю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз уриб олдимга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим”.

Шунингдек, яқин қариндошларга нисбатан яхши муносабат подшоҳларнинг хос фазилати бўлиб, тузуқларда қариндошлар билан яхши муносабатда бўлиш зарурлиги таъкидланади: - “Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайни, қўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, (молу мулк ва нақд пул билан) ҳақларини адо этдим. Ўз фарзандларим, қавму қариндошларимдан қариндошлик меҳрини узмадим, улардан нораво иш ўтган бўлса, дарҳол боғлаб, ўлдиришга буюрмадим. Ҳар кимни (туриш-турмушнинг пасту баландларида) турли йўллар билан синаб билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим.

Ватанни севиш, парвариш қилиш, садоқатли бўлиш унинг ҳимоясига жонини тикиш инсондан жуда катта масъулиятни талаб қиладиган маънавий ҳодисадир. Соҳибқирон бобомиз нафақат атоқли давлат арбоби, балки унда юксак ватанпарварлик ғояси мавжуд бўлганлиги боис унинг фаолияти ҳарбий тарихчиларнинг ҳам диққатини ўзига тортган. Бу борада рус ҳарбий тарихчиси М.И. Иваниннинг “Икки буюк саркарда” номли рисоласидаги

куйдаги фикр аҳамиятлидир: “Амир Темур жисмоний жазо беришни ёқтирмаганлиги учун уни тақиқлаб қўйган, ҳокимияти қамчи ва таёқдан кучсиз бўлган бошлиқ ўзи эгаллаб турган лавозимга мос эмас, дер эди.” Унинг бу фикрини тасдиқловчи маълумотлар кўплаб учрайди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари”ни қайта-қайта ўқиб ўрганар эканмиз, ҳаётий тажрибасининг натижаси бўлган кўрсатмаларидан фақат давлат бошқаришда эмас, балки оила, тарбияни бошқаришда оила аъзоларимиз, қариндошлар, ҳамкасблар, қўни-қўшнилар билан яхши муносабатларни ўрнатишда фойдаланишимиз зарур. Ҳар бир ишни кенгашиб амалга ошириш шундай кўрсатмалардан биридир.

Таъкидлаш зарурки, ҳалоллик виждон, адолат ва бурч каби ахлоқшунослик мезоний тушунчалари билан боғлиқ бўлиб, у инсонинг ўзгача муносабати ўзича муносабатидек соф, покиза бўлишини талаб қиладиган ахлоқий меъёр ҳисобланади. Бу меъёрлар бугун ҳам инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, барқарор ушлаб туришга хизмат қилади.

Маълумки, ростгўйлик ҳақиқатнинг ифодавий шаклларида бири ҳисобланади. Ростгўйлик - инсоннинг кейинчалик касб этган табақавийлик, - сўз онгига, руҳига сингдирган, ижтимоий-ҳаётий, даврий-тажрибавий хусусият эмас, балки унинг моҳиятида берилган фазилат. Шунинг учун ҳам “Темур тузуклари”да ростгўйлик давлат бошқарувини, раҳбар фаолиятини ва мамлакат мустақамлигини таъминловчи меъёр сифатида талқин этилади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, Соҳибқирон Амир Темурнинг ахлоқий қарашларида инсонпарварлик ғоялари жамият ва шахс ривожининг асоси бўлиб марказда туришини куйидагича таҳлил қилишимиз мумкин бўлади.

Биринчидан, Амир Темур “Ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир”, - деган эди. Бу ҳолат кенгаш қарорининг беҳато бўлишига, ишнинг ижобий яқунланишига сабаб бўлишини таъкидлайди. Амир Темурнинг бу сўзлари унинг бошқаларнинг фикрига эътиборли бўлганлигидан далолат беради. У ҳамма вақт кенгаш соҳибларининг фикрини аниқлаб, таҳлил этиб сўнгра қарор қабул қилган. Ҳукмдор қабул қилинган қарорнинг тўғрилиги учун жавобгар яъни масъулиятли бўлган ва у тасдиқлаган қарорларгина ҳақиқий кучга эга бўлган.

Иккинчидан, Буюк Соҳибқирон даври маданияти ва маънавияти икки муҳим омил асосида амалга оширилганлиги бир неча адабиётларда ва

тарихий манбаларда таҳлил этилиб, изоҳлаб берилган. Манбаларга таяниб изоҳ берадиган бўлсак, биринчи омил шу нарсада намоён бўладики, буюк Амир Темур илм – фан, маданият, санъат, халқ маънавияти юксалишига ўзини бутун жаҳонга кўз – кўз қилиш ёки хўжақўрсинга эмас, ўзи яшаган замонасининг энг илғор ғояларига буткул таянади. Ушбу ғояларнинг амалий маҳсули сифатида Буюк Соҳибқироннинг ўз давлатини мустаҳкам сақлаш ва уни бошқаришда қўллаган машҳур “Темур тузуклари” яратилди. Бу билан эса Буюк Соҳибқирон ўзи бошқарган мамлакат фуқароларини янги ва илғор ғоялар қуроллантирди, уларни илм – фанга, ҳунар ўрганишга, меҳнат қилишга даъват этди. Натижада мамлакат маънавияти ўз – ўзидан гуллаб – яшнади.

Учинчидан, буюк салтанат раҳнамози илму – маърифат учун, халқ маънавияти учун барча имкониятларини йўлга солганлиги, дину диёнатда, ҳалол меҳнатда халққа ўзи ибрат ва намуна бўлганлиги сабабли мамлакатда маънавият юксак даражада ривож топган. Дехқончилик, ҳунармандчилик, бунёдкорлик каби хайрли ишлар амалга оширилган.

Тўртинчидан, “Темур тузуклари”нинг маърифий ғояси шундан далолат берадики, ўша давр маънавий ривожининг асосий омили – бу Амир Темурнинг ўз мамлакатада маданий ривожланишга шахсан ўзи бош – қош бўлганлигидир. Шу ўринда Амир Темур маданиятни, маънавиятни ўта кадрловчи шахс эканлигини таъкидлашимиз жоиз. Буюк Соҳибқирон ҳақиқатда ўта маданиятли, дунёқараши, тафаккур доираси кенг, санъатни, адабиётни жуда яхши тушунадиган, ватанпарвар ва ўз халқини севган шахс эди. Буни кўплаб олимлар, тарихчилар, чет эллардан ташриф буюрган элчилар ўз асарларида, эсдаликларида батафсил ёзиб қолдирганлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Темур тузуклари. –Тошкент: Маънавият, 2013.
2. Каримов Ислом. Амир Темур – фаҳримиз, гуруримиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
3. Керен Люсьен. Амир Темур салтанати.– Тошкент: Маънавият, 1999.
4. Manz Beatrice Forbes. Administration and the delegation of Authority in Temur’s Dominions // Central Asiatic Journal. 1976. – № XX.